15 694

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

МАRIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси *1931 йилдан чиқа бошлаган* **1994 йил 15 июнь, чоршанба** № 29 (6616).

Баҳоси сотувда эркин нархда.

Тошкентда Халқаро хотин-қизлар конференцияси муваффақиятли ўтди

Дарсликлардаги географик атамаларга бир назар

Ғурумсаройдаги миллиардер лицей мақсади: ҳам билим, ҳам ҳунар, ҳам... даромад

Ўқув йилига тайёрмисиз?

ЯНГИҚЎРҒОНЛИКЛАРНИНГ ИШ УСЛУБИ

Янги ўқув йилига пухта хозирлик кўриш, шу мақсадда халқ таълими биноларини капитал ва жорий таъмирдан чиқариш бугунги кунда кечиктириб бўлмас ҳамда долзарб вазифалардан хисобланади. Наманган вилояти, айниқса, бу масалага алохида эътибор билан қараяпти. Яқинда Янгиқўрғон туманида янги ўқув йилига тайёргарлик кўришга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда вилоят халқ таълими ходимлари, шаҳар ва туман хокимларининг муовинлари ҳамда халқ таълими бўлими мудирлари иштирок этдилар.

Кенгаш қатнашчилари дастлаб гуруҳларга бўлиниб, тумандаги халқ таълими муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилган ишлар билан танишдилар. Янгиқўрғонликлар, мана, икки йилдирки, таъмирлашни вилоятда биринчи бўлиб якунлаяптилар. Бу йил хам улар янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини 1 июнгача нихоясига етказдилар. Бунинг ўзига хос сабабларидан бири халқ таълимига раҳбарлик қилиш ва бу борадаги ташкилотчиликнинг кейинги пайтларда янада кучайтирилаётганлигидир.

Туманда давлат мулкига асраб-авайлаб муносабатда бўлишнинг яхши йўлга қўйилганлиги туфайли бир қатор боғча ва мактаблар янги ўқув йилини ҳеч қандай таъмирлашларсиз кутиб олишга ахд қилишди. Олийхиммат оталиқ ташкилотлари эса ўз тасарруфидаги халқ таълими муассасаларига бу йил 165 миллион сўмлик ёрдам кўрсатишди. Ота-оналардан хайр-эхсон сифатида тушган маблағ эса 44 миллион сўмни ташкил этди. Шунингдек, ўқув даргохларида тадбиркорлик йўли билан топилган пуллар хам чакана таъмир ишларига сарфланди, шундай қилиб, давлатнинг катта миқдордаги маблағи тежаб қолинди.

Йиғилишнинг назарий қисмида туман хокими Турғунпўлат Киргизов ва вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиги Нозим Қозоқовнинг маърузалари тингланди. Нотиқлар янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш борасидаги ютуқ ва камчиликлар хусусида тахлилий фикр юритдилар. Сусткашликка йўл қўяётган баъзи бир туман маорифи, муассаса рахбарлари ҳамда оталиқ ташкилотлари танқид қилинди.

Кенгашда Наманган вилояти хокимининг ўринбосари Дилшода Дадажонова иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

Имтиҳон палласи

ЭҲМ илмлини қадрлар

Мактаб ҳам маънан, ҳам жисмонан бақувват, чинакам маданиятли шахсларни тарбиялагандагина жамият кўркига айланади. Тошкент вилояти Қибрай тумани маорифчилари ана шу тамойил асосида қатор ибратли ишларни амалга оширишяпти.

Бу йил туманнинг барча мактабларида синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонлари ЭҲМ ҳамда тест усулида ўтказилмоқда. Шундай имтиҳонлардан бири Амир Темур номидаги кўп йўналишли 25-лицей-мактабнинг 11-синфида кимё фанидан бўлиб ўтди.

Ўз РХТВ умумий ўрта таълим Бош бошқармаси етакчи мутахассиси Камолиддин Эгамбердиев, 25-лицей-мактаб директори Шукур Ғаниев, Қибрай тумани халқ таълими бўлими вакили А. Холов иштирокида кимё фани ўқитувчилари Назира Ғуломова, Улуғбек Эргашев тажриба-синов сариқасидаги имтиҳонни бошлаб юборишди. Республика ўқув-методика маркази мутасаддилари томонидан олиб келинган дискет мухрланган хатжилд ичидан олиниб, "Правец-8"А" компьютерига жойлаштирилди. Ўқувчилар ишга тушишди. Информатика ўқитувчиси Саодат Мирхожиева баъзи-баъзида компьютердан тўғри фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб турди...

Тажриба-синовнинг аҳамиятли томони шундаки, мазкур синовда ўқитувчи лаёқатини баҳолаш, ўқувчи билимини жаҳон ўлчамлари даражасида текшириш имкони туғилар экан.

Фан ўқитувчиси имтиҳонда кузатувчи сифатида иштирок этади, шу аснода қайси мавзуни яхши ўтмаганини ва келажакда ушбу фаннинг қайси жиҳатларига кўп эътибор бериш лозимлигини тушуниб етади. Илгарилари баъзи муаллимларда айрим ўқувчиларга баҳоларни юқорироқ қўйишга интилиш бўларди. Аниқроғи, илмли эмас, баҳо қадри юқори эди. Энди янгилик кўлланиши билан бундай нохушликларга чек қўйилади. Ўқитувчи ҳар чорак ўғил-қизлар билимини компьютерда синаб кўради.

Биз имтихонларга мутасаддилар ҳамда 11-синф ўқувчилари Муножот Фахриддинова, Дилфуза Умархўжаева ва Дилшод Қориев билан суҳбатлашганимизда, имтиҳон даврида ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида бирон бир зиддият учрамаётганини, йўл қўйган хатоларини ўқувчиларнинг ўзлари англаб олаётганликларини, билимларига яраша баҳо олишаётганликларини билиб олдик.

Ушбу илм масканини тугатиб кетган кўплаб фан арбоблари, олимлар илм равнақига улкан ҳисса қўшиб келишяпти. Ўтган йили мактаб битирувчиларининг деярли барчаси институт талабалари бўлишди. Бугунги ёшлар ҳам улар изидан боришмоқда.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

Ҳаким СОЛИҲОВ олган сурат.

Андижон янгиликлари

БАЙРАМ ДЕГАНИ ШУНДАЙ ЎТСА!

Булоқбоши туманн марказида "Паҳлавонлар, даврага!" шиори остида катта фестиваль ўтказилди. Унда Андижон вилоятидаги туманлар ҳамда қўшни Қирғизистондан ташриф буюрган 9—11-синф ўқувчилари қатнашдилар. Анжуман иштирокчилари спортнинг тош кўтариш, Искандарбек кураши, арқон тортиш, узунликка сакраш каби турлари бўйича куч синашдилар. Тўпланган очколар ҳисобига кўра булоқбошилик ўқувчи-ёшлар ғолиб деб топилиб, пул мукофоти, эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Фестивалга Тошкент шаҳридаги "Жаҳонгир" фирмаси (президенти Абдуллажон Холбеков) ҳомийлик қилди.

ЯНГИ ДЎКОН ОЧИЛДИ

Халқ таълими вазирлиги шу йил 20 апрелда жойлардаги халқ таълими муассасалари ва ўқитувчиларни кўргазмали қуроллар, техник воситалар ва турли дастгоҳлар билан таъминлаш хизматини янада яхшилаш мақсадида барча вилоят халқ таълими таъминот корхонаси қошида хўжалик ҳисобида чакана савдо қилувчи дўконлар очиш ҳақида буйруқ чиқарган эди. Қарангки, андижонликлар бу борада ҳам биринчилардан бўлдилар.

Яқинда Избоскан тумани марказида ана шундай дўкон ташкил этилди. Унда ўқув қуроллари, альбомлар, миллий тарихимиз, улуғ кишилар ҳақида рисолалар, мактаб безаклари, ўқувчи кийимлари, ўқитувчиларнинг ҳар қандай давраларда мана мен деб кийиб юрса арзигулик башанг костюм-шимлари, чакана таъмир ашёлари, хуллас, жуда кўплаб зарур нарсаларни учратиш мумкин. Туман савдо маркази директори Акрамжон Мамадиев дўконни харидоргир моллар билан таъминлаш учун ҳамма имкониятларини ишга солаяпти.

— Харидорларимиз кўп, сотиладиган молларимизнинг тури ҳам анчагина,—деди дўкон мудираси Моҳидил Ҳайдарова. — Ўтган 15 кун ичида 8 миллион сўмлик савдо қилдик. Келажакда таълим-таъминот савдоси қамровини янада кенгайтириш ниятидамиз.

Мазкур савдо-сотиқ масканининг киши эътиборига тушадиган яна бир хусусияти — ундаги молларнинг арзонлигидир.

ТЕЖАМКОРЛИК БАРАКА КЕЛТИРАДИ

Андижонлик маорифчилар ўтган ўқув йилида мактаб жиҳозларига эҳтиётқорлик билан ёндашиш, улардан тежаб-тергаб фойдаланиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Бу ташаббус, айниқса, Хўжаобод туманида яхши қўллаб-қувватланган кўринади.

Туман бўйича мазкур масала юзасидан қатор чоратадбирлар белгиланган. Масалан, мактаб ва боғчаларнинг ҳар бир машғулотлар хонасида ўқув қуроллари, техника воситалари ва жиҳозларининг рўйхати тузилган бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчилардан иборат жавобгар шахслар белгиланган. Улар мактаб жиҳозларининг бус-бутун сақланиши ва авайлаб ишлатилиши устидан назорат олиб борадилар. Яроқсиз ҳолга келган стол-стуллар ўқув даргоҳлари устахоналарида зудлик билан таъмирланяпти. Ўқув-техника қуроллари ҳам белгиланган муддатидан кўра узоқроқ йилларга мўлжаллаб тутиляпти.

—Тежамкорлик борасида алоҳида йиғилишлар ўтказяпмиз, ўқувчилар орасида ташвиқот-тарғибот ишларини мунтазам олиб боряпмиз,— деди туман халқ таълими бўлими мудирининг муовини Абдуфатто Усмонов.— Бунинг натижасида нафақат жиҳозлар, балки электр энергияси, ёнилғи материаллари ҳам тежалмоқда. Китоблар жуда авайлаб тутиляпти. Уларнинг сал яроқсизлари ўқувчилардан тузилган гуруҳлар томонидан тезда таъмирланаяпти. Натижада мактаб жиҳозлари билан боғлиқ муаммоларнинг олди олиняпти.

ДАРОМАД ЯНАДА КЎПАЯДИ

Балиқчи туманидаги 3-мактаб жамоаси тадбиркорлик отини қамчилаб, бошқалардан анча ўзиб кетди ва вилоятда миллионер мактаб, дея тан олинди.

Ўқув даргоҳи ҳудудида фойдаланилмаган шапалоқдек ҳам ер топилмайди. Бир томонда 60 туп ёнғоқ дарахти ҳосилга кирди, бошқа томонда 200 туп терак гуркираб ўсаяпти. Дарахт тагларига беда ва сабзавот уруғлари қадалган. Мактаб хўжалигидаги 3 та иссиқхонада ҳам қиш бўйи цитрус ўсимликларидан ҳосил олинмоқда. Ўтган йили ишлаб топилган 10 миллион сўмлик даромад мактабни газлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда тадбиркорликни кенгайтиришга сарфланди. Шунингдек, кесиб олинган бир қатор теракдан мактаб спорт залининг поли янгиланди. Буни қурувчилар 15 миллион сўмга чақишяпти.

Зиё маскани жамоаси бу йилги даромадни 30 миллион сўмдан оширишни режалаштиряпти. Улар ҳозир ўрмон хўжалигидан ижарага ер олишган, ундан анчагина даромад топса бўлади.

— Келажакда ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш йўлига ўтиш ниятимиз йўқ эмас,— дейди мактабнинг ишбилармон директори Алишер Ҳамдамов — оталиқ ташкилотларимиз эса бу йўлда биздан моддий кўмакларини сира аямасликларини айтишяпти.

Ҳ. АВАЗОВ.

Бонг урамиз!

МАКТАБНИ КИМ ҚУРАДИ?

Мактаблар қурилиши ҳамиша долзарб вазифалардан бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Негаки, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг биринчи омили унинг ўқув-моддий асосини замонавий талаблар даражасига кўтаришдан иборатдир. Хўш, бу борада Шовот туманида қандай ишлар амалга ошириляпти? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида биз тумандаги қурилиш ишлари билан танишдик. Аввало, оталиқ ташкилотлари — жамоа хўжаликлари ҳисобидан қурилган ва қурилаётган мактабларда бўлдик. О. Хидиров номидаги жамоа хўжалиги (бошқарув раиси Рўзимбой Хўжаниёзов)да 320 ўринли янги мактаб биноси, 90 ўринли болалар боғчаси қурилиб, ишга туширилди. Карим Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги (раиси Раҳим Йўлдошев)да 240 ўринли тўққиз йиллик янги мактаб биноси, "Москва" жамоа хўжалиги (раиси Саъдулла Нуржонов)да 100 ўринли янги бошланғич мактаб биноси қуриляпти. Бу мактаблар 1994 йилнинг 1 сентябри арафасида ишга туширилади.

Булар яхши, албатта. Аммо туманда мактаб қурилиши борасида жиддий қийинчиликлар юз бераётганлигидан кўз юмолмаймиз. Туман марказида давлат маблағи ҳисобидан 844 ўринли Паҳлавон Маҳмуд номидаги янги мактаб қурилиши 1990 йилда бошланган эди. Шу кунгача қурилишнинг ярми битган.

"Гулистон" жамоа хўжалиги худудида 9 йилдан буён "туя гўшти еган" Ҳамза номидаги мактаб бор. Биноси эскириб қолган, қулаб тушиш арафасида турибди. 1968 йилда ҳашар йўли билан қурилган ушбу бино ҳозирги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Деворлари нураб тушмоқда. Ўқув хоналари етишмайди, машғулотлар тўлиқ, икки сменада олиб борилади. Ўқувчилар ва ўқитувчилар учун овқатланиш, дам олиш шароитлари йўқ даражада, газ ўтказилмаган, тарбия гуруҳидаги болалар учун овқат ўтин билан пиширилади, ҳаммаёқ тутун ва дудга тўлиб кетади. Қишда жисмоний тарбия дарсларини ўтказиш учун спорт зали йўқ.

Мактабдан ташқари таълим-тарбиявий тадбирларни ўтказиш учун имкониятлар мавжуд эмас. Ота-оналар қўмитаси ва ўқитувчилар ҳар йили жамоа хўжалигининг умумий йиғилишига қатнашиб, янги мактаб қуриб беришларини илтимос қилавергач, 1985 йилда жамоа хўжалиги умумий йиғилишида янги мактаб биносини қуриш ҳақида қарор қабул қилинди. 1985 йил охири 1986 йил бошларида мактаб қурилиши учун ер майдони ажратилди. 1986 йилда пойдевор қўйилди. 844 ўринли уч қаватли янги мактаб биносини жамоа хўжалиги маблағи ҳисобига қишлоқ қурилиши трестига қарашли 297-мактаб кўчма механизациялашган колоннаси қура бошлади. Мактаб 1989 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган эди. Афсуски, ҳамма иш ўлда-жўлда қолиб кетди.

Мактаб биносининг биринчи қаватига ўрнатилган иситиш жиҳозлари эскира бошлаган. Синфхоналарни кимдир мўлхонага айлантиришга ҳам улгурибди. Шуни ҳам айтиш керакки, мактаб 1993-1994 ўқув йилидан бошлаб мактаб-лицейга айлантирилган. Ўқувчилар сони олдингига қараганда уч баробар ошган. Ҳозир у ерда 540 ўғил-қиз таҳсил кўраяпти. Лицей гуруҳи жамоа хўжалигининг янги болалар боғчаси биносида ўқишга мажбур бўлишяпти.

Ушбу мактаб қурилишининг қачон тамом бўлишини ҳеч ким билмайди, дейишмоқда, тарвузи қўлтиғидан тушган муаллимлар. 1985 йилдан бери "Гулистон" жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси ҳам уч марта ўзгарди.

Биз янги раис Бахтиёр Душамовдан мактаб-лицейнинг янги биноси қачон битишини сўрадик. "Маблағ йўқ, агар давлат банки жамоа хўжалигига қарз бериб турса, ўша пулни мактаб қурилишига сарфлаб, уни фарзандларимизга тезроқ совға қилишга ҳаракат этардим", деб жавоб берди у.

Ҳозир баҳона қидириш пайти эмас. Жамоа хўжалигининг янги раҳбари бу масалани яна бир карра жиддий ўйлаб кўрмоғи, мушкул аҳволни ўнглаш йўлларини излаб топмоғи даркор. Фарзандлар камоли ҳақида қайғуриш, энг аввало, раҳбарларнинг бурчи эмасми, ахир?!

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.



Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги Тўлқин Жалолов номидаги 245-мактабни 32 нафар йигит-қиз битиряпти. Ўн йил олдин ўқиш, ёзиш, саводхонлик учун билим даргоҳига қадам ташлаган болакайлар бугун вояга етишиб, мустақил ҳаёт бўсағасида туришибди.

Ўқув масканида мактаб директори, тажрибали педагог, халқ таълими аълочиси Фахриддин Муҳиддинов бошчилигида имтиҳонларни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Имтиҳонлар фақат синовгина эмас, балки жонкуяр ва заҳматкаш муаллимлар учун ҳам, зукко ўқувчилар учун ҳам қувончу шодликларга лиммо-лим дамларга айланяпти.

Яна бир неча кун ўтади-да, бу ҳаяжонли синовлар ҳам ортда қолади. Бошқа синов — ҳаёт имтиҳони бошланади. Бу имтиҳонни ҳаётнинг ўзи олади...

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Э. ЮСУПОВ, Х. ДАВРОНОВ, А. ЖАЛОЛОВНИ РЕСПУБЛИКА "МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ" ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

— Эркин Юсупов республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг раҳбари этиб;

— Хуршид Давронов республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази раҳбарининг ўринбосари этиб;

— Абдулҳафиз Жалолов республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази раҳбарининг (жамоатчилик асосида) ўринбосари этиб тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Олтин ёз

«ЛОЧИН»НИНГ БАҒРИ КЕНГАЙДИ

Юзага келган иқтисодий қийинчиликларни ўткинчи, дея ўз-ўзимизга тасалли бергандек бўламиз. Бироқ қўл қовуштириб, қараб ўтираверсак, мушкулликлар барҳам топиб кетавермайди. Сидқидилдан, қилинган меҳнат ва унга бўлган ҳаққоний муносабат, ҳар биримизнинг фидойилигимиз бу жараённинг тез орада тугалланишини таъмин этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли "Лочин" болалар соғломлаштириш маскани ҳам излаб топилган имкон бўлди. Негаки, шу пайтгача Тошкент давлат техника университети тасарруфида бўлган бу оромгоҳ нафақат биргина ўқув юртига, балки пойтахтдаги ўнлаб институтлар, билим юртларига хизмат кўрсатишга қодир экан. Майдони анчагина ерни эгаллаган бу маскан соя-салқинликда ҳеч бир оромгоҳдан қолишмайди. Ўйин майдончалари, ярим очиқ ётоқхоналар, чўмилиш ҳавзалари болаларнинг мириқиб дам олишлари учун тахт қилиб қўйилган.

— Оромгоҳимизда ёз давомида мингдан ортиқ бола дам олади. Улар асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ўқув юртлари ходимларининг фарзандлари. Бу ерда тўрт маҳал овқат берилади. Дам олувчилар вақтларини қувноқ ва сермазмун ўтказишлари учун етарли шарт-шароит бор. Имкониятларимиз кенгайгач, вазирлигимиз кўплаб жиҳозларни олишимизда, айрим жойларни тартибга келтиришимизда яқиндан ёрдам берди, — деди биз билан суҳбатда маскан директори Валентина Евдокимова.

Ўтган ҳафта соғломлаштириш масканининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Убайдулла Усмонов йиғилганларни ёзги дам олиш мавсумининг бошланиши ҳамда "Лочин"нинг очилиши билан қизғин табриклади. Шунингдек, Тошкент давлат техника университетининг мазкур масканни ишга туширишдаги кўмаги ҳамда оталиғидаги 24-болалар уйи тарбияланувчиларидан 40 нафарига бепул йўлланма берганлигини алоҳида таъкидлади.

Оромгоҳда дам олиш йўлланмасининг 70 фоизини касаба уюшмалари қўмитаси, 20 фоизини тегишли ташкилотлар ўз зиммалари олишган. Қолгани ота-оналар ҳисобидан.

Шаҳло УСМОНОВА.

«Маърифат» хабарлари

РЕЖАЛИ ИШ

Шахрисабз шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли А. Қаҳҳор номидаги 14-ўрта мактаб жамоаси илмгоҳни янги ўқув йилига шай қилиб қўйишди. 47 та синф ва фан хоналари, 2 та спорт иншооти, 186 та парта, 225 та стол ва стуллар, 142 та дераза, 51 та эшик ва 400 квадрат метр фанер сифатли қилиб таъмирдан чиқарилди.

Таъмирлаш ишларини амалга оширишда ота-оналар, маҳалла кўмиталарининг кўрсатган бағараз ёрдамлари таҳсинга лойиқдир. Турли бўёқлар ва қурилиш материалларини оталиқ ташкилоти ҳисобланган Шахрисабз консерва заводи етказиб берди.

Шаҳардаги бошқа илмгоҳларда ҳам мактабларни таъмирлаш, қўшимча синфхоналарини қуриш ва жиҳозлаш ишлари қизғин бормоқда. Режага кўра, июнь ойининг охирида барча илмгоҳлар янги ўқув йилига ҳар жиҳатдан тайёр бўлиши кўзда тутилган.

Омон ТЎРАЕВ,
шаҳар халқ таълими бўлими мудири.

ПУЛГА ЭМАС, БИЛИМГА

Яккабоғ туманидаги мактабларнинг 7—11-синф ўқувчилари ўртасида физика фани бўйича беллашув — кимошди савдоси бўлиб ўтди.

Кимошди савдосига қўйилган қимматбаҳо буюмлар ўқувчи "харидорлар"га пулга эмас, балки физика фанидан олган билимлари эвазига сотилди. Тадбир Собир Раҳимов номидаги мактабнинг 11-синф ўқувчиси Шерзод Алимов, Акмал Икромов номидаги ўрта мактабнинг 10-синф талабаси Ўктам Эшмуродов, ибн Сино номидаги ўрта мактаб ўқувчиси Аброр Худоёров, Каттабой Ашуров номидаги ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Раҳмон Наҳанов билимдонликларини намоён этиб, қимматбаҳо буюмлар билан тақдирландилар.

Х.ТЎРАЕВ,
Яккабоғ тумани халқ таълими бўлими услубшуноси.

ЯГОНА МАҚСАД САРИ

Республикамиздаги энг кенжа малака ошириш илмгоҳи, яъни олий педагогика институтининг ташкил этилганлигига хали кўп бўлгани йўқ. Аммо у олимлар ва педагоглар ахлини фанда бўлаётган янгиликлар билан таништиришда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда бошқа қатор илмгоҳлардан ортда қолмаяпти.

Яқинда республикамизнинг турли вилоятларидаги олий илмгоҳлар ва билим юртларидан келган бир гуруҳ тингловчилар бу ерда ўз малакаларини оширишга муваффақ бўлдилар.

Олий педагогика институтининг асосий мақсадларидан бири тингловчиларни ҳозирги шароитда республикамизда бўлаётган мафкуравий, иқтисодий, маънавий ишлар, муаммолар ва уларни бартараф этиш билан ҳам яқиндан таништиришдан иборатдир.

Б. Зарипов, У. Уватов, Б. Мирзаахмедов, Қ. Усмонов, Ғ. Шоюсупов, Э. Чориев каби профессорлар бу борада фидойилик кўрсатишмоқда. Институтда тингловчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шарт-шароит ҳозирланган. Республикамиз пойтахтидаги қадимий обидаларни, диққатга сазовор жойларни зиёрат қилиш, олий илмгоҳлар, техникумларга бориб тажрибалар алмашиш, иш ўрганишлар тингловчиларга манзур бўлмоқда.

З. ҚАЮМОВА,
Тошкент фармацевтика институти ўқитувчиси.

ЮКСАЛИШ ПОҒОНАЛАРИ

Ўтган ҳафтада Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактабда шу илм маскани қошида ташкил этилган 1-махсус иқтисод синфининг йиллик иш фаолиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда олимлар, ота-оналар, ўқитувчилар, шунингдек, Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, вазир муовини Муртазо Султонов, Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси Шукур Темуров, вазирликнинг умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Қосимов ва бошқалар иштирок этишди.

Даставвал давра қатнашчилари болаларнинг ижодий ишлари билан танишишиб, улар ўтказган тадбирлар видеолавҳасини томоша қилишди. Сўнгра шу синфнинг илмий раҳбари, педагогика фанлари номзоди Зуҳра Валиева "Уйғониш" иқтисодга йўналтирилган ўқув комплекси тизими ҳамда босқичли таълим концепцияси ҳақида маъруза қилди ва шу мавзу бўйича берилган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Нотиқнинг таъкидлашича, иқтисод синфи ўқувчилари лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўзлаштиришган. Саксон фоиз ўғил-қизнинг математик саводхонлиги 2-3-синф ўқувчилари савиясига тенг келади. Расм чизиш, тўқиш ва бошқа юмушларни бажариш юзасидан ҳам уларга қараганда бир қадар устунликларга эга.

Иқтисод синфи ўқувчилари ижодий ишларини томоша қилган давра суҳбати иштирокчилари ҳам бунга тўлиқ амин бўлишди. Суҳбат якунида қайд этилганидек, иқтисод алифбосини ўрганишни бошлаган бу ўғил-қизлар келажакда мустақил Ўзбекистон иқтисодини яхшилашда ўз хиссаларини қўшишлари шубҳасиздир.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

ЎЗ МАКТАБЛАРИГА ЭГА БЎЛИШДИ

Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги Шопўлат қишлоғида 700 ўринли замонавий мактаб биноси қуриб битказилди. Кўшни Адас қишлоғига қатнаётган болакайлар янги ўқув йилидан бошлаб ўз мактабларида ўқишади.

Айни кунларда бу илм масканида қурилишдан сўнг жойларни тартибга келтириш ишлари авжида. Шунингдек, мактабга ўқитувчилар танланмоқда.

Т. ЎРОЛОВА.

ШОҲ ВА ОЛИМ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАБ

Бу йил шоҳ ва олим, фалакиёт илмининг султони Мирзо Улуғбек таваллудига 600 йил тўлади. Бу улуғ санани кенг нишонлаш мақсадида Хива тумани Журен қишлоғидаги 26-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчилари риёзиёт фани бўйича қўшни А. Навоий номидаги 15-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиларини мусобақага таклиф қилдилар.

"Юлдуз" (26-мактаб) ҳамда "Само" (15-мактаб) гуруҳлари аъзолари беллашув давомида риёзиёт фани ҳамда буюк олим Улуғбекнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти бўйича ўз билимларини синовдан ўтказишди. "Юлдуз" гуруҳи ғолибликни қўлга киритди.

Г. АСҚАРОВА.

"Таълим тўғрисида"ги Қонунни амалга оширамиз

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Туманимизда "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг бажарилишида ижобий силжишлар бўлмоқда.

Ҳозирги кунда туманимизда 26та тўққиз йиллик таянч мактаби мавжуд. Қонун қабул қилингунга қадар бундай мактаблар сони 17 та эди. Кейинги 1,5 йил давомида "Зарбулоқ", "Гулистон", "Соҳибкор" хўжаликлари ҳудудида 3 та шундай мактаб ишга туширилди. Етарли ўқув-моддий базага эга бўлмаган ўрта мактабларни таянч мактабларига айлантирдик. Келгусида уларни кўпайтириш, ўрта мактабларга иқтидорли ўқувчиларни қабул қилиш ҳамда таълим масканлари ўқув-моддий базасини яхшилашни кўзда тутганмиз. Бу ишлар узлуксиз амалга оширилмоқда.Жумладан, шу йилнинг ўзида фанлар чуқур ўргатиладиган интернат-мактабга 62 ўқувчи қабул қилдик, ҳамда мактаблар қошида ўзбек тили, физика, математика, кимё, электрон-ҳисоблаш машинаси, география фанларига қизиқувчан ёшларни алоҳида махсус синфларда ўқитдик.

Болалар боғчаларидаги ўқув тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Кичик ёшдаги ўғил-қизларнинг эсда сақлаш қобилияти кучлилигини ҳисобга олиб айрим боғчаларда чет тилини ўргатишни йўлга қўйдик. Бундай иш "Ирмоқча" ва "Учқунча" болалар тарбия масканларида ижобий натижалар бераяпти. Жажжи ўғил-қизларимизда эзгуликни, гўзалликни, санъат ва нафосатни идрок этиш туйғусини шакллантириш мақсадида "Дўстлик" боғчасида "Ширинтой" болалар ансамбли ҳамда "Качал полвон" кўғирчоқ театри фаолият кўрсатмоқда. Бу орада нутқида камчилиги бор болалар билан ишлаш ўқуви ҳам ташкил қилинган.

Ишларимизнинг самараси сифат кўрсаткичларида ҳам намоён бўлаяпти. Жумладан, ўтган йили ўқувчиларимиз фанлар олимпиадасида фахрли II ўринни эгаллашди. 10 ўқувчимиз республика олимпиадасида иштирок этиб, чуқур билимга эга эканликларини исботлашди. Битирувчи синф ўқувчиларимиз эса тест синовларини муваффақиятли топширдилар. Улардан 154 нафари олий ўқув юртларининг талабалари бўлишди.

Тарбиявий ишлар сохасида ҳам қатор ўзгаришлар қилишга эришдик. Шунинг эвазига ўқувчилар ўртасида тартиб-интизомни бузувчилар, жиноят содир этганлар кескин камайди.

Маълумки, ўтган йилги тест синовлари нафақат ўқувчи учун, балки ўқувчига фанлардан сабоқ берган муаллим учун ҳам катта синов бўлди. Айрим мактабларнинг ўқувчилари тест синовларига бардош бера олмадилар. Бунда ўқувчининг айби йўқ, албатта. Шунинг учун халқ таълими бўлими эндиликда мазкур мактаблар педагогика жамоалари билан тегишли тадбирлар асосида иш олиб бормоқда.

Ўқитиш, ёшларга касб ўргатиш, уларни чинакам ватанпарвар фуқаролар этиб камол топтириш борасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликларимиз, хал этилиши лозим бўлган муаммоларимиз ҳам кўп. Жумладан, илгари 4 та мактабда чилангарлик, 27 та мактабда қишлоқ хўжалик машиналарини ўрганиш бўйича ўқувчиларга касб ўргатиларди. 17 та "Т-40" тракторининг таъмири ва улар учун эҳтиёт қисмлар туман техника ремонти корхонасидан ажратилар ҳамда кунига 3 соатликка етадиган ёқилғи хўжалик ҳисобидан берилар эди. Ҳозир буларнинг барчаси чекланди, мактаблар ихтиёридаги техниканинг деярли ҳаммаси ишдан чиқиш ҳолига келиб қолди. Оталиқ ташкилотлари эса ёрдам бермаяпти.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш борасида ҳам оталиқ ташкилотларимиз кундан 3-5 йил бурун таянч база яратиш учун бел боғлаган эдилар. Афсуски, бугунги кунда харбий таълим бўйича ўқув базаларимиз умуман талабга жавоб бермай қолди. Туман бўйича 13 та отиш тирининг 7 таси яроқли холос.

Шу йилнинг ўзидаёқ "Ғаллаорол" давлат хўжалигидаги 66-, Амир Темур номидаги ширкат хўжалигидаги 75-, "Соҳибкор" ширкат хўжалигидаги 47-мактабларнинг иситиш тизимлари газга уланди. Яна бир қатор хўжаликлар ҳудудидаги мактабларга "зангори олов" келтириш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари давом этаяпти. Бу масала туман ҳокимияти, хўжалик раҳбарларининг доимий эътиборидадир.

Кўриниб турибдики, хали қилинадиган ишлар ҳам бисёр. Бу вазифаларни ҳал қилиш бир томондан маблағ талаб этса, иккинчи томондан халқ таълими муассасаларининг ишини талаб даражасида ташкил қилишни тақозо этади. Маорифчиларимиз хамжихатлик билан ишлаб, туб ислоҳот йўлидан бориб, халқ таълимини юксак поғонага кўтариш учун куч-ғайратларини сафарбар этаверадилар.

Яраш ҚЎЛИЕВ,
Ғаллаорол тумани халқ таълими бўлимининг мудири.

ТАДБИРКОРГА КЕНГ ЙЎЛ

Бозор иқтисоди шароити бошқа соҳалардаги сингари ўқув масканларида ҳам қадимий ва миллий ҳунармандчилик касбларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Жойлардаги айрим ҳунар-техника билим юртлари масалага ижодий ёндашиб, қисқа даврда муҳим ютуқларни қўлга киритиб, ўзини ўзи бошқаришга, маблағ билан таъминлашга ўтганлиги қувонарли ҳол.

Ана шундай ўқув ва ҳунар масканларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидаги 24-билим юртидир. Бу жамоа "Таълим тўғрисида"ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, эндиликда ўз иш йўналишини тубдан ўзгартирди. Аввалари билим юртига талабалар мактаблардан мажбурий жалб этилган бўлса, айни пайтда ўқув масканида талабалар танлов асосида, махсус имтиҳонлар билан қабул қилинадилар.

— Уч юз нафардан зиёд ўғил-қизлар ҳунар-техника билим юртимизда 7 хил мутахассислик бўйича таълим олади. Уларга 60 нафар малакали мутахассис, тажрибали ўқув усталари сабоқ беришади, — дейди илмгоҳ директори Отабек Раҳимов. — Илгарилари талабаларимиз бўш вақтларини беҳудага ўтказишар, улар орасида майда жиноятчиликка қўл урувчилар ҳам топилиб турарди. Эндиликда давр биздан номигагина дипломли мутахассисларни эмас, балки ҳунарли, ўз соҳасига қизиқадиган ёшларни тарбиялаб етиштиришни талаб этаяпти. Масаланинг бу жиҳати жамоамиз орасида кенг муҳокама этилиб, билим юрти қошида "Жасур" кичик корхонаси ташкил этилди. У талабаларни жамлаб, аҳоли эҳтиёжига зарур бўлган турли хилдаги маҳсулотлар, жумладан, гилам, сандиқ, уй-рўзғор буюмлари каби оммабоп материалларни тайёрлаб, арзон нархларда сота бошлади. Тушган маблағнинг бир қисми талабаларни рағбатлантиришга, қолгани эса билим юртида ўқув ишларини яхшилаш, эҳтиёт қисмлар ва янги жиҳозлар сотиб олишга сарфланмоқда.

Қарс икки қўлдан, дейишади. Билим юрти жамоаси бошлаган хайрли иш туман раҳбарларига, ёшлар иттифоқи қўмитаси ҳамда оталиқ ташкилотларига ҳам жуда маъқул келди.

Илмгоҳ шундай оғир иқтисодий шароитда ўзини ўзи бошқаришга, маблағ билан таъминлашга ўтса, бунинг нимаси ёмон? Юқори ташкилотлар ҳам қараб туришмади. Билим юртига қўшимча 40 гектар экин майдонини фойдаланишга беришди.

Икки йилдирки, талабалар ва илмгоҳ усталаридан ташкил топган жамоа ана шу 40 гектар майдонда пахта, шоли каби кўпгина экинлардан юқори ҳосил олаяпти, илмгоҳ ҳисобига миллионлаб маблағ тушаяпти. Бу ерда шолини қайта ишлаш корхонаси ҳам ишлаб турибди. Муҳими, жамоанинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан бошлаган хайрли иши қисқа фурсатда билим юрти қаддини тиклашга, уни ҳар жиҳатдан такомиллаштиришга имконият яратиб бермоқда

Х. МИРЗАКАРИМОВ.
Суратда: билим юртида тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси. Муаллиф олган сурат.

Истеъдодга эҳтиром

Ҳақиқий истеъдод ўзини жуда эрта намоён этади. Буни Фарғона вилояти Бувайда туманида яшаб, ижод қилаётган 17 ёшли Мирзаакбар Акбаровнинг сермаҳсул фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мирзаакбар ҳақида газетамизнинг ўтган сонларидан бирида мақола ёритилган эди. Ёш мусаввир ҳозирга қадар 400 дан ортик сержило, ажойиб расмлар яратди. Асарларидан бир туркумини Тошкентда намойиш қилиб, жамоатчиликнинг эътиборини қозонди.

Яқинда Мирзаакбарникига бир гуруҳ меҳмонлар ташриф буюришди. Улар орасида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг масъул ходимлари, "Истеъдод" жамғармасининг раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, "Маърифат" рўзномаси бош муҳаррири, шоир Саъдулла Ҳаким, вилоят раҳбарлари ва ташкилотлар бошлиқлари бор эди. Шу куни Бувайда қишлоғидаги 25-ўрта мактабда Мирзаакбар чизган расмлардан намуналар намойиш этилди. Тошкентдан ташриф буюрган бир гуруҳ ижодкор ёшлар эса ўзларининг бувайдалик тенгдошлари ҳузурида шеърлар ўқишди, концерт қўйиб беришди.

Меҳмонлар Мирзаакбарга ўзлари билан келтирган совға-саломларни топширдилар. Жумладан, Халқ таълими вазирлиги ходимлари совға тариқасида компьютер ва вазирнинг махсус табрик хатини, Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси ходимлари икки колонкали стерео-радиоприёмник, "Истеъдод" жамғармаси эса пул мукофоти берди. Шунингдек, вилоят ёш ижодкорлар ташкилоти истеъдодли мўйқалам соҳибига мунтазам равишда ўртача ойлик маош миқдоридаги стипендия ажратишга қарор қилганлигини билдирди.

Мирзаакбар бу мукофотлар ўзини янги асарлар устида янада масъулият билан ишлашга даъват этажагини айтди.

Ўз мухбиримиз.

Чалкашликнинг чеки борми?

ёки географик атамашуносликка бир назар

Мамлакатимиз мустақиллиги ҳаётимизнинг турли жабҳаларига ўз ижобий таъсирини ўтказмоқда. Бу таъсир таълим тизимида ҳам сезиларли даражада кўзга ташланаётир. Миллий тил хусусиятларидан келиб чиқиб, жаҳон андозалари талабига жавоб берувчи янгидан-янги дарсликлар, қўлланмалар ёзиляпти. Мактаб география дарсликларини яратишда ҳам олимларимиз бирмунча диққатга сазовор ишларни амалга оширишмоқда. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, бу дарсликларни яратиш жараёнида ўз тилимиз имкониятларидан унумли ва тўғри фойдаланиш масаласи ҳамон муаммо бўлиб турибди.

Назаримизда, янги дарсликлар яратишда илмий-байналмилал атамалар билан бир қаторда, чуқур тарихий ва миллий илдизга эга бўлган халқ географик атамаларидан кўпроқ фойдаланиш, дарслик сўнгида халқ географик атамалари луғатини бериш мақсадга мувофиқдир. Зотан, минг йиллар давомида Туркистон заминида вужудга келиб, шаклланиб, ҳозир асосий луғат таркибига ўтган ва ўз навбатини кутиб турган халқ географик атамалари жуда кўп. Буларга адир, аймоқ, арашон, арт (довон), булоқ, бўз, водий, воҳа, газа, гузар, ёна, жавзо, жилға, жун, заяк, ирмоқ, кориз, кунгай, лаб, лангар, манба, одоқ, оққуюн, саратон, сел, сой, супа, тақир, терскай, тўқай, унгур, чил, чилла, чўл, ёп, ўзбўй, қудуқ, қўриқ, ҳовуз, яланг каби кўплаб атамалар мисол бўла олади.

Бироқ, ҳозирча илмий-байналмилал атамалар ва халқ атамаларини ишлатишда икки жиддий камчилик кўзга ташланмоқда. Биринчиси, кўп йиллар давомида шаклланиб, мактаб географиясидан деярли турғун ўрин олган география, комплекс, ландшафт, материк, регион, экватор, меридиан, океан каби атамаларни сунъий равишда миллийлаштиришга уриниш бўлса, иккинчиси, ажойиб халқ атамаларидан ўринли фойдалана билмасликдир.

Афсуски, география атамашунослигидаги жиддий чалкашликлар фақат оммавий ахборот воситаларида эмас, ҳаёт тақозоси туфайли шошилинч равишда яратилаётган дарсликларда ҳам учраяпти. Масалан: "география"ми ёки "жуғрофия"ми деган мунозара ҳануз ўз ниҳоясига етгани йўқ. Олий таълимда ва оғзаки нутқда асосан "география" ишлатилгани ҳолда, бу йилги Ўзбекистонга бағишланган дарсликлар "жуғрофия" тарзида нашр этилди. (Масалан, "Ўзбекистон табиий жуғрофияси", 8-синф учун дарслик; "Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий жуғрофияси", 9-синф учун дарслик). Айрим таянч атамалар ҳам турли синф география дарсликларида турлича ишлатилмоқда. Жумладан, илмий-анъанавий "табиий район" тушунчаси "Ўзбекистон табиий географиясида" табиий жуғрофий ўлкалар деб берилган бўлса, "иқтисодий район" тушунчаси "Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий жуғрофияси"да иқтисодий ноҳия деб берилган. Бинобарин, бир хил мазмундаги "район" тушунчаси 8-синфда "ўлка" деб берилса, 9-синфда "ноҳия" деб берилган. Бундай ҳолга эса илмий жиҳатдангина эмас, балки методик жиҳатдан ҳам асло йўл қўйиб бўлмайди. Бизнингча, илмий географик маънода ҳар иккала ҳолда ҳам ҳозирча "район"нинг ўзи қолгани маъқул. "Туман" ва "ноҳия"лар эса маъмурий тушунчадир.

Ажабланарлиси шундаки, луғатлар ҳам икки хилликка эга, икки хил илмий тамойилга асосланиб нашр этилмоқда. Чунончи, Мирортиқ Мирабдулла ўғлининг "Жуғрофий атамалар луғати" (1992 й.) ва П. Н. Ғуломовнинг "Географиядан қисқача русча-ўзбекча атамалар ва тушунчалар луғати (1993 й.) бунга яққол мисолдир. Бу луғатлардаги тафовут, атама танлашдаги икки хил ёндашув қуйидаги мисолларда яққол кўринади. П. Н. Ғуломов луғатидаги океан, параллел, тропик-материк, масштаб, экватор каби мактаб географиясига ва илмий географик адабиётга чуқур сингиб кетган атамалар Мирортиқ Мирабдулла ўғли луғатида гўё "миллий тафтиш" қилиниб, уммон, мувозий, мадор, қаррат, миқёс, хат шаклида берилганки, бунга асло қўшилиб бўлмайди.

Шу ўринда биз "жуғрофия" атамасига ҳам жиддий эътироз билдирмоқчимиз. "Жуғрофия" атамаси ўлкамизнинг узоқ тарихи давомида эмас, балки асосан асримиз бошидан то 30-йиллар охиригача мунтазам ишлатилган бўлиб, ўша давр миллий географияси руҳи, савияси, муҳити билан чамбарчас боғлиқдир. Ярим асрдан ортиқ вақт давомида эса илмий ва ўқув адабиётимизда, оммавий ахборот воситаларида "география" атамаси мустаҳкам ўрин олди. Зотан бундай аталмиш илмий-мантиқий асосларга эгадир.

Маълумки, "география" юнонча бўлиб, уни илк бор ишлатиб, "География" номли китоб ёзган муаллиф юнон қомусий олими Эртосфендир. Географиянинг отаси ҳисобланиш бу олим милоддан аввалги III асрда Александрия (Искандария) шаҳрида яшаб ўтган. Лотинча "гео" – ер, "графос" – тасвирламоқ демакдир. Бинобарин, бу номни ўзгартириш, на илмий мантиққа, на одобга тўғри келади. Чунки шунча вақтдан бери ишлатиб келинаётган "география" "жуғрофия" деб ўзгартирилса, ўз луғавий маъносини бутунлай йўқотади. Чунки "Жуғрофия"нинг этимологик ечими йўқ ва, умуман, биз тушунадиган ҳеч бир шарқ тилларида "жў" ёки "жўғро"-нинг мазмуни, талқини йўқ.

Ҳозирги замон фанида ва география таълимида "гео" ўзаги ишлатиладиган атамалар 100 дан ортиқ. Булар: геобатаника, геоверсум, геодезия, геодемография, геодинамика, геоид, геокомплекс, геология, геофизика, геохимия... кабилар. Бу атамалардаги "гео" ўрнига "жўғрофияга" ўхшатиб "жў" қўйиб кўринг-а? Йўқ, бўлмайди, албатта. Демак, юқорида тилга олган атамани география деб атасак тўғри бўлади.

Умуман, географик атамашунослик муаммолари кўп. Атамаларни танлаш, бир хилликка келтириш керак. Бунда фақат илмий асосга таянилиши зарур, деб ўйлаймиз.

Р. РАҲИМБЕКОВ,
ТошДу профессори,
М. МИРАКМАЛОВ,
аспирант.

Дарслик — дастур кўзгуси, лекин...

Бир мавзуда икки мактуб

"Таълим тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилинганлиги мустақил ватанимиз ҳудудида ёш авлодни баркамол, замон талабига жавоб бера оладиган, ўзбек халқининг довруғини олам узра ёядиган даражада тарбияланишига имконият яратади. Бу эса айни пайтда барча таълим ва тарбия билан шуғулланувчилар ўз ишларига бўлган муносабатларини қайтадан кўриб чиқишларини тақозо этади.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларни она табиатни тўлароқ ўрганиб, "Ўзбекистонданман", – дея ғурур билан айта оладиган шахс сифатида шаклланишида Ўзбекистон табиий географиясининг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис О. Мўминов, П. Баратов, М. Маматқулов, Р. Раҳимбековларнинг 8-синф учун "Ўзбекистон табиий жуғрофияси" (Тошкент, "Ўқитувчи" нашриёти, 1993 йил) дарслик китоби ўқувчилар ва география ўқитувчилари учун муҳим ўқув қўлланмаси сифатида хизмат қилади. Ушбу дарсликни республикамизнинг тажрибали географлари томонидан (1986 йилги нашрига нисбатан) қайта ишланган варианти тарзида қабул қилсак, хато қилмаймиз. Янгиланган дарслик мазмунан бойитилганлиги билан олдинги (О. Мўминов, Н. Долимов, М. Қориев. "Ўзбекистон табиий географияси" 7-синф учун, Тошкент, 1986 йил) нашридан фарқ қилади.

Янги нашр этилган дарсликка Ўзбекистон табиати ва табиий бойликларини ўрганиш тарихидан, Ўзбекистоннинг сув бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, ўлка табиатини муҳофаза қилиш мавзулари ҳамда дарсликнинг иловалар қисмига республика ҳудудидаги асосий каналлар (6-жадвал), Ўзбекистоннинг энг муҳим сув омборлари (7-жадвал), Ўзбекистон қўриқхоналари (8-жадвал) биринчи маротаба киритилган. Ўзбекистон аҳолиси ва маъмурий харитаси, геологик тузилиши ва ер юзасининг тараққиёти, фойдали қазилмалар, кўллари, ер ости сувлари ва сув омборлари алоҳида мавзу қилиб ажратилган.

Мундарижага киритилган барча мавзулар мазмунан тўлдирилган бўлиб, дастурда кўзда тутилган географик тушунчаларни ўрганиш ва ўқитувчиларда кўникма, малакалар ҳосил қилиш ҳамда мустақил фикрлай олиш қобилиятини ривожлантириш имконини беради. Бироқ, гуруч ичидаги курмакдек, янги дарсликда ҳам баъзи нуқсон ва камчиликлар кўзга ташланади. Биз дарсликнинг яна нашр этилишини ҳисобга олган ҳолда, китобда учрайдиган баъзи камчиликлар, ноаниқликларга муаллифлар эътиборини қаратишни лозим топдик.

Аввало дарслик номидаги жуғрофия сўзи география билан алмаштирилса, тўғри бўлган бўлур эди. Шу билан бирга дарсликдаги барча таққослашларда давлатимизга жаҳон ҳамжамиятининг тенг аъзоси деб қаралиши зарур. Дарсликнинг 5-бетида "Ўзбекистоннинг майдони... катталиги жиҳатидан МДҲдаги Россия, Қозоғистон, Украина ва Туркманистондан кейинда туради. Хорижий давлатлар билан таққосласак..." деган жумла учрайди. Бу ўринда "Ўзбекистон учун МДҲдаги давлатлар хорижий эмасми?", деган савол туғилиши табиий. 6-бетда эса: "МДҲ аҳолисининг сони қанчага тенг?", деб ўқувчи олдига савол қўйилади. 123-бетда эса "...бу ерларда карстлар, ғорлар, хусусан, МДҲдаги энг чуқур (1082 метр) ғорлардан бири Кили (Киев) ғори жойлашган", деб ёзилган. Нима учун яна МДҲ? Ахир МДҲ давлат эмас, атама-ку?

Дарсликнинг 7-бетида Қорақалпоғистон "жумҳурият" деб ёзилган бўлса, 7-бетдаги савол ва топшириқларда "мухтор жумҳурият", деб ўқувчи олдига муаммо қўйилади. 12-бетда Амударё дельтасининг майдонини 44 минг км² дейилса, 150-бетда эса 144500 км² деб ўқиймиз. Бу рақамларнинг қайси бири тўғри?

Бундай чалкашликлар китобда кўп учрайди. Бунинг устига мантиққа зид жумлалар ҳам мавжуд. Масалан, дарсликнинг 28-бетида "ёғин миқдори... тоғлар ёнбағрининг қуёшга ўнг ёки тескарилигига... боғлиқ" дейилган. Шу ерда қуёшга эмас, балки ҳаво оқими келадиган томонга боғлиқ дейилса, тўғри бўлади. 33-бетда "Ҳавони ундаги заҳарли моддалардан муҳофаза қилиш ҳар бир мактаб ўқувчиси, ҳар бир фуқаронинг бурчи..." деб ўқиймиз ва ҳайратланамиз. Ахир, ўқувчи қандай қилиб бу ишнинг уддасидан чиқади?

Китобда атамалар чалкашликлари ҳам кўп. Масалан, дарсликнинг 64, 65, 95-бетларида заказник сўзини "буюртма", "буюртма маскани", 73-бетда "терраса" сўзи "кўҳна қайирлар", 80, 92, 101-бетларда канал сўзи "анҳор", "ариқ", 83, 95, 106-бетларда "Маринка балиғи" "ойбалиқ", "қорабалиқ". 22-бетда циркуляция сўзи "алмашиниш" тарзида таржима қилинган. 86-бетда "нуроқжинслар", 87-бетда "увоқ жинслар", 143-бетда "чақиқ жинслар", 97-бетда "тўзима қумлар", 146-бетда "тўзғоқ қумлар" деб ёзилган географик тушунчаларни ўқиймиз. Бундай таржималар ва тушунчалар ўқувчилар фикрини чалкаштирмайди деб ким кафолат бера олади?

Дарсликда, ўқиб ва ҳайратланиб ёқа ушлайдиган жумлалар ҳам талайгина. Масалан, 82-бетда "...кемирувчилар (юморқозиқ, тошбақа, ҳашаротлар)..." дейилган. Наҳотки, ҳашаротлар ҳам кемирувчилар туркумига киритилган бўлса? 146-бетда эса шўра ўсимликларидан юлғун, сарсан ҳамда туяқорин характерлидир", деб ўқиймиз. Наҳотки номлари ёзилган ўсимликлар шўра ўсимликларига мисол бўла олса?! "Ўсимликлар систематикаси" ("Ўқитувчи", Тошкент, 1966) китобининг II томида юлғун юлғундошлар оиласига (277-бет) киритилган. Шўрадошлар оиласида (334—340-бетлар) эса сарсазан билан туяқорин ўсимликларини учратмаймиз. Туяқорин, балки туятовондир. Агар шундай бўлса, у туятовондошлар оиласига киради-ку!..

Умуман, дарсликда қарама-қарши, баъзан ноаниқ атамалар кўп. Уларни тузатиш, таҳрир этиш лозим. Шунингдек, дарсликни янги нашрга тайёрлаганда Ўзбекистон табиати ва табиий бойликларини ўрганиш мавзуларига ватанимиз географиясини ривожланишига ҳисса қўшган устоз географлар ҳам киритилса, яхши бўлар эди.

Зотан, дарслик — дастур ойнаси. У камчиликлардан холи бўлиб, барча ўқувчилар, ўқитувчилар ҳамда Ўзбекистон табиати ихлосмандлари учун стол усти китобига айланиши зарур.

Ҳ. ҚУРБОНОВ,
Навоий шаҳар география услубий бирлашмасининг раҳбари,
М. ҚУРБОНОВА,
Навоий шаҳридаги 3-мактаб ўқитувчиси.

** ЭСКИ УСЛУБДАН МУТЛАҚО ВОЗ КЕЧИЛДИ.*

** ҚИМИРЛАГАН — ҚИР ОШАР.*

** ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ ҲУНАР, ҲАМ... ДАРОМАД.*

Бу ерда республикада ягона бўлган қишлоқ хўжалиги лицейи очилганига эндигина бир йилдан ошди. У қисқа фурсатда жуда бойиб кетди; ўқув-амалий машғулот ишлари, айниқса, моддий асос мустаҳкамланди. Янги турдаги ўқув даргоҳини ривожлантириш бўйича дурустгина тажриба ҳам тўпланди. Мухбиримиз лицей директори, ишбилармон раҳбар, тажрибали муаллим Абдураҳмон Мамажоновдан ана шулар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Мазкур таълим-тарбия маскани ўтган йилнинг май ойига қадар 36-ҳунар-техника билим юрти деб

Ўрганинг, татбиқ қилинг!

МИЛЛИАРДЕР ЛИЦЕЙ

Ишонмасангиз, бориб кўринг: Наманган вилояти Поп туманининг ғурумсарой қишлоғида худди шундай ўқув даргоҳи бор. Ундаги умумий мулк қиймати миллионларни аллақачон ортда қолдириб, миллиардлар ҳисобида юритилмоқда.

юритиларди. Биз жамоамиз, тегишли ташкилотлар билан маслаҳатлашиб, имкониятларимизни чамалаб кўриб, зиё масканимизни лицейга айлантиришга қарор қилдик. Моддий асосимизнинг бақувватлиги, малакали муаллим ва мухандис кадрлар, ишлаб чиқариш усталарига эга бўлганимиз учун ҳам бу ишга дадил киришдик.

Мақсадларимиз катта. Масалан, ўтган даврларда талабаларга фақат ишчи ҳунарлари ўргатилиб, ўрта маълумот бериларди. Энди эса билим ўчоғини замон талабларига мослаштирдик. Яъни, оила, жамият ва давлат олдида ўз жавобгарлигини ҳис этувчи, ҳар томонлама ривожланган эркин шахсни шакллантиряпмиз. Ўқувчиларга уларнинг шахсий эҳтиёжлари ҳамда ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ва истиқболдаги ҳақиқий талаблари асосида юқори малака ҳамда ўрта маълумот эгаллашлари учун баҳоли қудрат шарт-шароит яратаяпмиз.

Биз асосан Халқ таълими вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда турли соҳалар учун кадрлар тайёрлаймиз. Билим юртимиз лицейга айланганидан кейин унинг қамрови ҳам анча кенгайди. Энди талабаларимиз ўқиш жараёнида бир неча ҳунарга ҳам эга бўлишади. Ўрта ҳамда ўрта махсус маълумот, "С", "В" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаларини оладилар.

Лицейда ўқиш истагини билдирувчилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Кириш имтиҳонлари тест синови услубида олиб борилаяпти, ўқув жараёнида ҳам иқтидорли талабалар сараланиб, уларга алоҳида дастур асосида таҳсил берилади. Шу мақсадда ҳар ярим йилда ўзига хос синов ўтказилиб, ундан ўтолмаганлар қайтадан ўқийдилар.

Айни пайтда лицеимизда 690 нафар ўғил-қиз таҳсил олади. Улар кенг малакали тракторчи, трактор ва автомобилларни таъмирловчи чилангарлар, қишлоқ хўжалиги ҳисобчилари ва ЭҲМ операторлари, насос қурилмалари операторлари бўлиб етишишади. Шунингдек, бу ерда ошпазлар, кандолатчилар, мактабгача тарбия муассасалари ходимлари ҳам тайёрланади.

Талабаларга таҳсил бериш узлуксиз равишда икки поғонада амалга оширилади. Биринчи поғонада ўқувчилар мутахассислик малакасини орттирадилар ҳамда ўрта маълумотли бўладилар. Мазкур босқичга асосан мактабни тугатган, танловдан муваффақиятли ўта олган ёшлар қабул қилинади. Ўқувчиларга икки йил бадалида учинчи класс тракторчиси, "С", "В" тоифали автомобиль ҳайдовчиси касблари ўргатилади ҳамда ўрта маълумот олганлиги ҳақида гувоҳнома берилади.

Иккинчи поғонада ўқувчилар ўрта маълумотли бўладилар ҳамда биринчи поғонада эгаллаган касблари бўйича юқори малака эгаллайдилар. Таълимнинг бу поғонасига ҳам танлов йўли билан қабул қилинади. Бу босқичда талабалар икки йил давомида қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш бўйича техник-механик ихтисосини эгаллайдилар. Ҳар икки тоифада ўқиганларга Халқ таълими вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг махсус дипломлари берилади.

Лицейимиз қошида ўз ҳисобимиздан боғча очганмиз. Унда ходимларимизнинг фарзандлари тарбияланадилар. Шунингдек, бу тарбия маскани бизда таҳсил олаётган хотин-қизлар учун тажриба орттириш мактаби ҳисобланади.

Ўқув-моддий базамиз анча бақувват бўлаб, 70 дан ортиқ трактор ва автомобил, 16 та ўқув хонаси, 7 та амалий машғулотлар лабораторияси, 4 та устахонага эгамиз. Улар зарур ўқув асбоб-анжомлари, замонавий техника воситалари билан тўлиқ таъминланган. Ўқувчилар таҳсил олиш жараёнида ўқув-техника воситалари, кўргазмали қуролларга зориқмайдилар.

Амалий машғулотлар даврида талабалар электромонтаж, электорасбобларини, сув насосларини, қишлоқ хўжалиги машиналарини ҳамда енгил автомашиналарни таъмирлаш билан шуғулланишади. Тарбиячи ва ошпазлар эса ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, арзон баҳода аҳолига сотадилар.

Ўқув хўжалигимиз 100 гектар майдонни ташкил этади. 9 гектар мевазор боғимиз бор. Ерларимизга асосан пахта, галла, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, шоли экилади. Ёрдамчи хўжаликда эса чорва моллари, асалари, балиқ боқилади. 1992 йили жами 30 миллион сўм даромад топган эдик. 1993 йилда бу даромад бир неча ҳиссага ортди. Жорий йилда эса режаларимиз жуда катта. Даромадни янада кўпайтириш ниятидамиз. Ҳозир заҳирамизда 12 тонна пахта толамиз бор.

Даромадимизнинг асосий қисмини ўқув-моддий базамизни мустаҳкамлаш, ёрдамчи хўжаликни кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва даромад қилишнинг замонавий услубларини ҳаётга жорий қилиш, ўқувчи ва хизматчилар, талабаларни ижтимоий ҳимоялаш каби мақсадларга сарфлаяпмиз.

Яна бир янгилик. Ўтган йилдан бошлаб фермерлар тайёрлашга ўтдик. Натижаси яхши бўлаяпти. Талаба-фермерларимиз лицей ҳудудини бўлиб олиб, ҳозирданоқ яхши фаолият кўрсатишяпти. Улар топаётган даромад ҳам салмоқли. Ўқув режа ва дастурларимизни шу ерда, имкониятларимиздан келиб чиқиб тузаяпмиз. Бунинг учун бизда малакали ўқитувчилар етарли.

Бизнинг фаолиятимиз, саъй-ҳаракатларимиз, янгиликларимиз юртимизнинг ҳозирги кунига, унинг равнақ топишига, Республикамизнинг мустақиллигини, истиқлолини мустаҳкамлашга қаратилаётган экан, демак, меҳнатимиз зое кетмайди.

Суҳбатдош Аваз ҲАЙДАРОВ.

Республикамизда фуқароларнинг саноат ва қурилиш молларига бўлган эҳтиёжини қондириш шу куннинг асосий вазифаларидан бирига айланиб қолди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўрта Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистондаги саноат корхоналари учун малакали ишчилар етказиб беришда, уларнинг муҳандис-педагог бакалавр даражасига етишишида Тошкентдаги индустриал педагогика техникум-коллежида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Суратларда: коллежнинг тикувчилик-бичувчилик бўлими талабалари иш устида.

К. ЎЛМАСОВ олган суратлар.

1994 йил — Халқаро оила йили

ЁШЛИК ҒАЙРАТИ БИЛАН

Қари бор уйнинг зари бор, деганларидек табаррук отахон, онахонларимизнинг ўрни, файзи нафақат оилада, балки мактабда ҳам ўзгачадир.

Ҳамидулла Аъзамхўжаев ана шундай тажрибали устоз ўқитувчилардан. Юз-кўзидан ер ёғилиб турган Ҳамидулла ака ўзини мактабсиз, ўқувчиларсиз тасаввур қила олмайди. Уни мактаб учун туғилган инсон дейишлари бежиз эмас.

Ҳамидулла учун ўқитувчилик ота касб. Унинг инсоний хислатлари ҳамда касбий маҳорати падари бузруквори Хокимхўжа отанинг "ҳаёт мактаби"да шаклланди.

Ҳамидулла ака 1945 йили Чилонзор туманидаги Аброр Ҳидоятов номидаги 173-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига дарс бериш баробарида Белинский номидаги кечки педагогика институтининг математика факультетида таҳсил олди. Олий даргоҳни битиргач, юқори синфларда математикадан дарс бера бошлади.

Ҳамидулладан бир йил кейин мактабга география фанидан дарс бериш учун Мапура исмли кўхликкина қиз келди. Дилкашлиги, хушмуомаласи билан педагогик жамоа орасида тезда обрў-эътибор қозонган бу лобар қиз Ҳамидулла юрагига чўғ солди. Тақдир тақозосини қарангки, Ҳамидулла билан Мапура ўз бахтларини ана шу муқаддас даргоҳда топишди.

Орадан йиллар ўтди. Ёш муаллимлар турмушнинг тотли ҳамда ташвишли онларини биргаликда кечирдилар. Бирин-кетин дунёга келган суюкли беш ўғлоннинг меҳрибон ота-онаси бўлдилар. Фарзандларнинг барчаси одобли, ўқимишли бўлиб вояга етишди. Уч ўғил шу мактабни олтин медаль билан битириб, олий ўқув юртида ўқишни давом эттиришди.

Катта ўғил — Рашод — қурувчи. Ижод — иқтисод фанлари номзоди. Жавдод — Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳисоб марказида дастурчи. Маъсуд — инженер-механик. Хуршид — шифокор.

— Ўқитувчи ҳамиша ўқиши, ўз устида кўпроқ ишлаши керак, — дейди Ҳамидулла Аъзамхўжаев. — Янгилик билан баробар қадам ташлаши, билимидан мағрурланиб кетмаслиги лозим. Тўғрисўз, халол, виждонли, ўқувчиларга намуна бўладиган, том маънода маданиятли инсон бўлиш унинг учун энг зарур фазилат. Маданиятли деганимда жон бор. Бизлар йигит пайтларимизда ўқитувчиларнинг кийиниши, юришturишига одамлар ҳавас билан қарашарди. Ўша даврнинг энг маданиятли, обрўли кишиси ўқитувчи ҳисобланарди. Шунинг учун: "Қизингни кимга берасан?" деган саволга ота-оналар ҳеч иккиланмай "ўқитувчига" деб жавоб беришарди.

Зиёкорлар оиласи ҳақида ҳамиша илиқ гапларни эшитамиз. Келинлари: Мунирахон Ҳамидулла аканинг ҳам шогирди, ҳам келини бўлиб, мазкур мактаб ўқувчиларига математикадан сабоқ бераётир. Киме эса Низомий номидаги педагогика институтининг механат факультетини битирган. Мавлуда — қурилиш инспектори, Муҳайё — доришунос, Феруза, — инженер.

Қайнота, қайнона ва келиннинг бир маскан ўқувчиларига таълим-тарбия бериши камдан-кам учрайди. Мапура Ортиқова шарафли касбда 35 йил сидқидилдан меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сурмоқда.

— Эр-хотиннинг муаллим бўлиши, қолаверса, уларнинг бир мактабда ишлаши ундан ҳам яхши бўлар экан, — дейди Ҳамидулла ака гапида давом этиб. — Фарзандларимиз ёш бўлганликларидан уйда ёлғиз қолмаслик, уй-рўзғор ишларини юритиш учун икки сменада ишладик. Баъзан овкатларни ҳам ўзим, гоҳо болаларим билан бирга тайёрлаган пайтларим ҳам бўлган. Дастурхон атрофида ўтирганимизда кўпинча мактаб ҳақида, болалар тарбияси тўғрисида суҳбатлашамиз.

Ҳамидулла ака кундузги мактаб билан бирга кечки ишчи-ёшлар мактабида, институтга тайёрлов курсларида ҳамда қабул ҳайъатида ишлади. Ўқувчиларни институтга кириш имтиҳонларига тайёрлашда кўпчиликнинг хожатини чиқарганлиги ҳақида самимий гапларни эшитдик.

— Самимийлик — ажойиб фазилат, ҳар бир инсон феъл-атворини безовчи жавоҳирдир, — дейди мактаб директори Шокир Мирзаҳмедов. Ҳамидулла ака ана шундай инсонлардан. Мактабдаги кўпчилик муаллимлар, шу қатори мен ҳам устознинг соҳаларини эгаллаган шогирдлариданман. Улардан кўп нарса ўргандик, ҳали ҳам ўрганаяпмиз.

Ҳа, нафақат мактабдаги ўқувчилар ва ҳамкасблари, балки Тошкент шаҳри педагоглари ҳам ҳақли равишда олий тоифали методист-ўқитувчи Ҳ. Аъзамхўжаевни ўзларининг севимли устозлари деб билишади. Қалби дарё муаллим эллик йилдирки, ёшларга сабоқ бериб, ҳамкасбларига мураббийлик қилиб келаяпти. Ҳамидулла Аъзамхўжаевнинг бир неча ижодий иши жумҳуриятимизда оммалаштирилган. Жумладан, унинг шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида "Векторлар ёрдамида масалаларни ечиш методлари" мавзусидаги маърузасидан кўпчилик ўқитувчилар баҳрамандлар.

Дарвоқе, яна бир муҳим томони, Ҳамидулла Аъзамхўжаев талабчан ўқитувчи. Унинг битирувчи синфлар билимига қўйган баҳоси педагогика институтига кириш имтиҳони мезони бўлиб қолган десак муболаға бўлмайди. Шогирдлари Сайёра Мирзаахмедова, Мастура Ҳакимова — математик, Шомансур Саъдуллаев — химия фанлари номзоди, Баҳром Илҳомов, Султонпошша Музаффарова — физика фанлари номзодлари, Баҳодир Мирзаахмедов — химия-техника фанлари номзоди, Фахриддин Акромов — математика фанлари номзоди, Суҳбатилла Юнусов — тиббиёт фанлари номзоди — Ҳ. Аъзамхўжаевдан таълим олган ўқувчилардир.

Тиниб-тинчимас, жонкуяр педагог Ҳамидулла Аъзамхўжаевнинг ёшларга таълим-тарбия беришдаги хизматлари муносиб тақдирланди. Ўз даврининг ордени, "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси" нишони унинг меҳнатларига берилган муносиб баҳодир.

Дилбар ХЎЖАЕВА,
мухбиримиз.

ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач таълим-тарбия рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган ўқув даргоҳларида Давлат тилини ўргатиш соҳасида талайгина тажриба тўпланди. Рус гуруҳларида таълим берувчи ўзбек тили ўқитувчиларининг дарсни мазмунли, сифатли олиб боришларида тажриба алмашиш, доимий семинарлар ўтказиб туриш катта аҳамиятга эга.

Яқинда Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 17-ўрта мактабда рус гуруҳларида ўзбек тили фанидан таълим берувчи ўқитувчиларнинг вилоят семинари бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири Матлубахон Нурматова, шу кафедра методисти, семинар ташаббускори Азизахон Ибодиева, Олмалиқ шаҳар ХТБ бошлиғи Қаршибой Холматов, шу бошқарма методисти Шуҳратжон Исматов ҳамда мактабларнинг рус гуруҳларида таълим берувчи ўзбек тили ўқитувчилари иштирок этдилар.

Семинар иштирокчилари ўзбек тили ўқитувчиларининг дарсларини кузатиб, улар сабоқ беришнинг турли усулларидан фойдаланганликларининг гувоҳи бўлишди. Жумладан, Олмалиқ шаҳридаги 16-, 17-, 23-ўрта мактабларининг ўзбек тили ўқитувчилари М.Қаршибоева, И.Исроилова, И.Иброҳимова, Ш.Мўминоваларнинг дарслари, айрим камчиликларга қарамасдан, мазмунли, сифатли ва жуда қизиқарли ўтди. Дарсларда сўз ва топишмоқли ўйинлардан (16-мактаб, 3-"Б" синф), карточкалар воситасидаги мустақил ишлардан, тест топшириқларидан (17-мактаб, 9-"Б" синф), савол-жавоблардан фойдаланилди. Бу ўқувчилар фаоллигини таъминлашга хизмат қилди.

Яна бир муҳим томони, дарслар фақат ўзбек тилида олиб борилди. Олмалиқ шаҳридаги 23-ўрта мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси Ш.Мўминова раҳбарлигида 9-"Е" синф ўқитувчилари томонидан тайёрланган "Шарқ тафаккури хазинасидан" мавзуидаги ишлар ҳам қизиқарли бўлди. Ўқувчилар Навоий, Рудакий, Шерозий, Фурқат, Бобур ғазалларидан, шеърларидан ҳамда ҳикматли сўзлардан парчалар, намуналар келтирдилар.

Очиқ дарслар семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Кузатилган дарслар муҳокамасида барча иштирокчилар ҳар бир дарс тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бундай семинарларнинг ўтказилиб турилиши фан ўқитувчиларининг тажриба алмашишларида, ёш иқтидорли ижодкор ўқитувчиларни танлашда қўл келиши алоҳида таъкидланди.

Ш.АҲМЕДОВА,
республика ўқув-методика марказининг
1-тоифали мутахассиси.

ОТА-ОНАЛАР ҲИММАТИ

Ҳозирги бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида халқ маорифининг ҳар томонлама ривожланишига кўпгина ота-оналар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Шаҳанд қишлоғи ҳудудида жойлашган А. Ахсикатий номидаги 32-ўрта мактабни янги ўқув йилига тайёрлашга шу мактабда фарзандлари таълим-тарбия олаётган ота-оналар, жумладан, Олим ҳожи Раҳимбоев 600 минг сўм, Абдусаттор Имоддинов 300 минг сўм, Майсара Мамадалиева 100 минг сўм, Хайрулло Абдуллаев 100 минг сўмлик бўёқлар олиб бериб, ёрдам қилишди. Яна ўнлаб ота-оналар 30 мингдан — 50 минг сўмгача ёрдам беришди.

1993-94 ўқув йилида қишки мавсум даврида Абдулла Ғаюпов қозонхонага 6 тонна ёқилғи олиб берди. Абдужаббор Ҳамроев эса 8 нафар ўқувчига кийим-бош тухфа этди.

Бундай саховатпеша ота-оналардан мактаб жамоаси беҳад миннатдор.

З. БУРҲОНОВ.

Ўқитувчига ёрдам

МАҲОРАТ МАКТАБИНИНГ РАВОН ЙЎЛИ

Ҳозирги ўзбек адабий тилида тилшунослигимиз тараққиётининг сўнгги 50 йиллик даврида лексиканинг ажралмас бир қисми "синонимлар", "синонимия" атамалари номлари билан юритилиб келинмоқда. Лекин у 40-йилларгача "маънодошлик", "маънодош сўзлар" деб қўлланилиб келинганлиги тилчи олимлардан Элбекнинг "Шакилдош сўзлар" ва Собиржон Иброҳимовнинг "Совет педагогикаси" журнали саҳифаларидаги мақолаларидан маълум бўлади. 30-йилларнинг охирларига келиб, "маънодошлик", "маънодош сўзлар" атамалари билан бир қаторда, "синонимлар", "синоним сўзлар" ва сўнгра "синонимия" атамаларининг қўлланилиши анъанага айланди.

Бир неча ўн йил ўтиши билан улар фаол тус олди ва "маънодошлик", "маънодош сўзлар" каби атамалар кучсизланиб, истеъмолдан чиқди. Бу ҳол ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгунга қадар давом этди.

Қонун қабул қилингач, адабий тилимизнинг ўз йўналишини аниқлаб олишга киришилди. Бунда асосий масалалардан бири атамаларни аниқлаб олишдан, муқобил атамаларни истеъмолга киритиб боришдан иборат бўлди. Астойдил қилинган меҳнатлар натижаси ўлароқ "Алишер Навоий ва она тилимиз" (1992), "Атамалар луғати" (1993, 3-4-сонлари) каби бир қатор рисолалар, қўлланмалар чоп этилди. Шундан сўнг "синоним сўзлар", "синонимия" ўрнида уларнинг муқобиллари бўлган "маънодош сўзлар", "маънодошлик" атамалари ишлатила бошланди.

Маълумки, "маънодош сўзлар", "маънодошлик" лексикада ўрганилади. Улар турли қўлланмаларда лексик маънодошлик, морфологик таънодошлик ва синтактик маънодошлик деб юритилади. Ўрта умумий таълим мактабларининг "Она тили. 5-9 ва 10-11-синфлар учун" (1992), деб номланган янги ўқув дастурларида уларнинг "сарфий синонимлар" ва "наҳвий синонимлар" деб берилиши маъқул эмас. Уларнинг аталишига тилимиз тарихига асосланган тарзда ёндашиш тўғрироқ бўлар эди. Негаки, бу иккита атамаларни тушуниш ва тушунтиришда нафақат умумий таълим мактаблари ўқитувчилари, балки олий мактабларнинг айрим ўқитувчилари ҳам қийналиб қоладилар. Демак, маънодош сўзларнинг "лексик маънодош сўзлар", "морфологик маънодош сўзлар" ва "синтактик маънодош сўзлар" деб ўрганилиши давр тақозоси ва талабидир.

Юқоридаги атамаларнинг икки кўриниши ҳам бошқа тилдан, яъни "синонимлар", "синонимия" сўзлари грек тилидан, "сарф" ва "наҳв" атамалари эса араб тилидан кириб келган. Тилимизда уларни "синонимлар", "синонимия" деб қўллаш 30-йиллар билан боғланса, "сарф", "наҳв" деб ишлатиш Маҳмуд Қошғарий (XI аср) даври билан бевосита алоқадор атама сифатида манбаларда учрайди.

Тилимиз тараққиётининг ҳозирги ҳолатида "сарф" ва "наҳв" атамаларини "морфология" ва "синтаксис" деб ишлатавериш тўғрироқ бўлади.

Чунки бу атамалар сўнгги 50-55 йиллик дарслик, қўлланма ва дастурларимизга сингиб кетган.

Тилшуносликка оид манбалар(адабиётлар)да, дарслик ва қўлланмаларда "синоним" ва "маънодошлик" атамалари ҳар хил тилларга тааллуқли бўлса ҳам, улар бир маънода қўлланилади. Яъни сўз бирикмаларининг (сўзлар, иборалар каби) бир хил ёки бир-бирига яқин маъно англатиши ҳисобга олинади. Масалан, ғам, улфат, мусибат, мотам, қайғу, дард, алам, ҳасрат, ғусса, заҳмат, ташвиш каби сўзларнинг барчаси оғир йўқотиш туфайли кишида юзага келган ички кечинмаларни англатади. Булардан ташқари уларда ўзаро маъно нозикликлари ҳам мавжуд. Жумладан, "мотам" ва "кулфат" сўзларининг маъноси кишилар бошига тушган оғир аҳвол, уларда пайдо бўлган кечинмаларни билдирса, "ғам" сўзининг маъноси "кулфат" маъносига нисбатан кучсизроқ. "Алам" ва "ташвиш" сўзларидаги маънолар эса янада кучсизроқдир.

Маънодош сўзларнинг ҳаётимиздаги аҳамияти гоят каттадир. Чунки бундай сўзларни нутқимизда қўллаш орқали қайтариқлардан қутиламиз, ранг-баранглик ва равонликка эришамиз. Натижада сўз бойлигимиз янада кўпаяди ва билим доирамиз кенгаяди. Айниқса, маънодош сўзлардан фойдаланиш шоиру ёзувчилар ва журналисту лекторлар учун катта имкониятлар яратиб беради. Келгусида ёшларимиз орасида ана шундай истеъдодли кишилар етишиб чиқиши эса таб ийдир.

Бир сўз билан айтганда, маънодош сўзлар услубни чархлашда, уни ўткир ҳолга келтиришда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади. Демак, уларнинг таркибий қисмлари ҳам хилма-хилдир. Биз қуйида уларга қисқача тўхталиб ўтамиз:

1. лексик маънодош сўзлар. Лексик нуқтаи назардан маънодош сўзлар, юқоридаги намуналарда берилгандек, айрим-айрим сўзлар билан ифодаланади. Уларнинг маъно хусусиятларига қараб ва услубий буёққа эга бўлишини ҳисобга олиб, семантик (маъно ифодаловчи) маънодош сўзларга: от, исм; ис, бўй; дўст, ўтроқ, ошна, оғайни, жўра, биродар, томир; киши, одам, инсон, кимса; юз, бет, чеҳра, жамол, афт, турқ, башара каби услубий маънодош сўзларга; бечора, шўрлик, боякиш, уқувсиз; она, ойи, ая, буви; қалампир, гармдори, аччиқ-чучук; бағир, сийна, барча, ҳамма, бари, бутун (олмош); аста, секин; кўп, мўл; ҳамма вақт, доимо, ҳамиша, мангу (равиш); томон, сари, каби, сингари (кўмакчи); ва, ҳам, бироқ, аммо, лекин (боғловчи); шубҳасиз, сўзсиз, шаксиз, эҳтимол, чамаси, шекилли (модал сўзлар) ва бошқалар. Морфологик маънодошлар тўғрисида гапирганда, уларнинг турли қўшимчалар билан бундай ҳолатни ҳосил қилиши ҳам тушунилади.Масалан, -яп, -ётир,- моқда, -ли, ба-; -сиз, бе-; -(у)в, -(и)ш, -моқ; -ли, дон; -чи, -шунос; -ли, -дор каби.

Мисоллар: Мен боғда ишлаяпман, мен боғда ишлаётирман, мен боғда ишламоқдаман; бизнинг хўжалик тўқ хўжалик, қўйли-сигирли хўжалик. Эшикдан басавлат киши кириб келди; ишсиздан худо безор, бекорни дангаса дерлар; ўқув йили тугай деб қолди; ўқишхона талабаларга лиқ тўла эди; ишламоқ иштаҳа очар... ўқимишли одамнинг садағаси кетсанг...; билимдон билан бир суҳбат қилсанг, яна суҳбат қилгинг келади; ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан тилчиларнинг хизмати ва ишлари кўпайиб кетди, тилшунослар давлат тили ҳақидаги қонунни бажаришда жонбозлик қилмоқдалар; бу муҳим воқеадан ҳамма хабарли; бу муҳим воқеадан ҳамма хабардор ва бошқалар.

3. синтактик маънодош сўзлар. Бундай маънодош сўзлар мазмуни бир хил ёки ўхшаш бўлиб, фақат синтактик тузилиши жиҳатдан фарқланади. Масалан, дарсхона одам билан лиқ тўла эди — дарсхона одамга лиқ тўла; ҳаммани хабарлаган, буни аниқ биламан — ҳаммани хабарлаганини аниқ биламан; менинг билишимча, эртага имтиҳон бўлар экан — мен эртага имтиҳон бўлишини биламан; кечки вақт-кечки пайт; поездда келдим — поезд билан келдим; боши осмонга етди, оғзи қулоғига етди — оғзи очилиб қолди каби.

Юқоридаги мисолларимиз қандай кўринишда, қандай шаклларда бўлишидан қатъи назар, синтактик маънодошликни ташкил эта олади. Аслини олганда, қизлардан бири — қизларнинг бири, пўлат пичоқ — пўлатдан ясалган пичоқ, оқар сув — оқаётган сув, ишбилармон одам — тадбиркор одам сингари иборалар ҳам сўз бирикмалари сифатида синтаксисда ўрганилади, аниқроғи, сўз бирикмаси ва гап синтаксисининг текшириш мавзуси бўлиб хизмат қилади.

Назар РАЖАБОВ,
СамДД ўзбек тили кафедраси мудири, профессор,
Алишер РАЖАБОВ,
Тошкент давлат Шарқшунослик институти ўқитувчиси.

ЭЗГУЛИККА ТУТАШ ЙЎЛЛАР

"Дарахт бир жойда қўкаради". Ҳар гал моҳир педагог, меҳнатсевар олим Эркин Худойбердиевни кўрганимда, халқимизнинг ушбу нақли беихтиёр хаёлимга келади. Бу бежиз эмас.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ташкил этилганига йигирма йил бўлаяпти. Бу давр мобайнида эндигина туғилган чақалоқлар ўсиб камолга етди. Ўша пайтда экилган ниҳоллар ҳосилга кириб, неча мароталаб мева берди. Ўтган вақт мобайнида институтга ҳам қанча-қанча ўқитувчилар, олиму фозиллар келиб-кетди. Аммо шу ерда муқим меҳнат қилаётганлар ҳам оз эмас. Шулардан бири Эркин Худойбердиевдир.

Эркин ака асли норинлик. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олгач, Норин туманидаги 21-ўрта мактабда фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган. Ишчанлиги, меҳнатсеварлиги, фидойилиги туфайли ҳурмату эътиборга сазовор бўлган.

Илм-фанга бўлган интилишу қизиқишлари туфайли Тошкент давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси қошидаги аспирантурада ўқишни давом эттирган Эркин Худойбердиев, адабиётшунос олим сифатида ўзига хос чиқишлари, илмий мақолалари билан тезда элга танилди. Йигирма йилдан буён эса Тошкент давлат маданият институтида ишламоқда. У ижтимоий касблар факультети декани вазифасини бажариш асносида таълим-тарбия ишларини илмий тадқиқотчилик, ташкилотчилик фаолияти билан қўшиб олиб боради. Унинг дарслари илмий-методик жиҳатдан қизиқарли ва намунали эканлигини талабалар ҳамиша таъкидлаб юришади.

Адабиётшуносликнинг турли мавзуларига бағишланган 60 га яқин илмий ва услубий китоблар ва мақолалар муаллифи Эркин Худойбердиев ўзбек халқ ижодининг афсона, эртак, ривоят, қўшиқ ва бошқа жанрларини ёзиб олиш, тўплаш ҳамда нашр эттириш борасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Инсон умри баланд тоққа қиёсдир. Йиллар эса чўққилар. Талантли олим, жонкуяр, фидойи мураббий, камтарин инсон Эркин Худойбердиев умрининг 60 довонини забт этаётир. Эзгуликка элтувчи чўққилар томон юксалаётган ҳамкасбимизга кўп қиррали фаолиятида зафарлар тилаб қоламиз.

Абдусадр ТЎЛАГАНОВ.

БЕҒУБОРЛИК

Ҳаётий қатралар

Ҳаётимиз ибратомуз воқеаларга тўла. Мен шундай ҳодиса ё воқеаларни қоғозга тушуриб қуйишга одатланганман. Қуйида улардан айримларини сизга ҳавола этмоқдаман.

ЎГИТ

1987 йилнинг январи. Ўша пайтда пойтахтдаги 200-ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс берардим. Ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 546 йиллигига бағишлаб "Навоийхонлик" ўтказишга тайёрланаётгандик. 9-синф ўқувчилари Гули ва Навоий сиймоларини гавдалантирган саҳна кўриниши яхши чиқавермади. Ўспирин ҳам, қиз ҳам бир-биридан тортинади. Шунда мен Навоий ролидаги ўқувчини чақириб, тушунтирган бўлдим:

— Менга қара, ғазалнинг мана бу байтларини ўқиётганингда оҳиста юриб, Гулига яқинлаш. Мана бу жойга келганингда унинг қўлларини кафтларинг орасига олиб, ғазални якунла, тушундингми?!

— Гапларимни эшитиб турган адабиёт муаллими Асқар ака Иброҳимов мени аста бир четга чақириб дедилар:

— Ҳамма қилаётган ишларингиз таҳсинга сазовор. Лекин ҳозир хато қилдингиз. Сўзимдан ранжиманг-у, сиз "Евгений Онегин"ни эмас, "Алишер Навоий"ни саҳналаштираяпсиз. У зот яшаган даврда номаҳрамнинг қўлидан ушлаш у ёқда турсин, йигит ва қиз бир-бирининг юзига тик қараган эмас. Иккиси икки ёнда туриб, қўллари кўксида сўзлашгани ва ҳар бири сўзини тугатгач, хиёл таъзим қилгани маъқул.

Домланинг бу ўгитлари умрим бўйи шууримга муҳрланиб қолди.

ЯХШИЯМКИ, ШУНДАЙЛАР БОР!

1990 йилнинг кузи. Тошкент шаҳар ижроқўмида анчайин масъул вазифадаман. Республика миқёсидаги идоралардан бирида ишлайдиган бир акахонимиз ҳар кўрганда:

— Эшон, бу мансабни қачон ювасиз? — дер эди. Бир куни телефон жиринглади.

— Ўзларими? — сўради ўша акахон.

— Ҳа, ўзлари, — дедим.

— Иш вақти тугагач, пастга тушиб туринг, биз борамиз.

Тушлик вақтида бир жуфт "беш юлдуз" лигидан олиб келиб қўйдим.

Иш вақти тугагач, пастга — эшик олдига тушиб тургандим, ҳаял ўтмай битта "Волга" келди. Ундан акахон тушди. Салом-аликдан сўнг қўлимдаги ўроғлик коньякларга ишора қилиб:

— Эшон, буларни хонага қўйиб чиқинг, — деди ҳеч бир эътирозга ўрин қолмайдиган оҳангда.

Қайтиб чиқиб, машинага ўтирганимдан сўнг дедилар:

— Балки иш билан бўлиб, ёдингиздан чиққандир. Бугун Акбархоннинг отаси вафотига бир йил тўлди. Бориб Қуръон тиловат қилиб қайтамиз!

Яхшиямки, шундай инсонлар бор. Акс ҳолда, фақат айшу улфатчиликни ўйлайдиган бўлиб қолардик. Вақти келиб, қазоимиз етса, фарзандларимиздан бошқа эслайдиган кишимиз қолмасди!

ТАРБИЯЛИ КОТИБА

1990 йилнинг охирлари. Ишхонамдаги котиба аёлнинг нуқул биринчи бўлиб салом бериши эриш туюлдими бир куни:

— Опажон, мен энг кичик укангиздан ҳам ёш бўлсам керак. Агар мансаб юзасидан биринчи бўлиб салом бераётган бўлсангиз, мен учун ноқулай, келинг, мен салом берай, сиз алик олинг дедим.

— Йўқ, гап мансабда эмас, мусулмончиликда. Эр кишига аёл киши салом бермоғи керак. Ҳарҳолда, шундай тарбия беришган, — деб жавоб айтдилар опа.

Кейин котиба опани кузатдим. Эшикдан келган бегоналарга ҳам ўринларидан туриб, ерга қараган ҳолда салом берардилар.

Баъзан жамоат транспортларида отаси тенги одамга салом бериш у ёқда турсин, лоақал жой бўшатишни эп кўрмай, сақич чайнаб ўтирган ёшларни кўрсам, котиба опанинг сиймоси кўз ўнгимдан ўтаверади.

Дилмурод САЙИИД.

Хотира

УСТОЗ ЁДИ

Тоир Дадашев моҳир ўқитувчи, маориф жонкуярларидан бири эди. Агар устоз ҳаёт бўлганида 70 баҳорни кўрган бўларди.

Ҳамон эсимда. Чилонзор туманидаги собиқ 14-мактабнинг 5-синфида ўқир эдим. Бир куни директоримиз Боймат Назаров баланд бўйли, озода кийинган, очиқ чеҳрали бир йигит билан синфимизга кириб, уни бизга таништирди:

— Бу киши Тоир Дадашев. Бугундан бошлаб сиэларга тарих фанидан дарс беради.

Тоир аканинг дарслари таъсирли, аниқ-равшан, факт-далилларга бой бўларди. У мавзуни бир маромда, шошмасдан тушунтирарди. Синф пештахтасига мавзу билан бирга, тарихий фактларни, саналарни йирик ҳарфлар билан чиройли қилиб ёзиб борарди. Баъзан синфга харита ёхуд глобус кўтариб кирарди. Ҳар бир дарс хотирамизда муҳрланиб қоларди.

Синфимизда Рақия исмли қиз бўлиб, у Тоир аканинг синглиси эди. Муаллим бизга нисбатан унга кўпроқ талаблар қўярди. Бу кундалик машғулотларда ҳам, имтиҳон пайтларида ҳам сезилиб турарди. Рақия жавоб бериш учун чақирилганда, Тоир ака ундан мавзуни мумкин қадар кўпроқ сўрашга интилар, қўшимча саволлар берар, унинг ўз синглисига талабчанлиги бизларни ҳам жиддий шуғулланишга даъват этарди.

Йиллар шу тариқа ўтаверди. Мен мактабни битиргач, ўқитувчилик касбини танладим. 1950 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг филология факультетига ўқишга кирдим. Институтни тамомлагач, пойтахтдаги мактабларда тил ва адабиётдан дарс бера бошладим. Бу орада Тоир Дадашев оддий ўқитувчиликдан мактаб раҳбари лавозимига кўтарилди: дастлаб ўзи ишлаган 14-мактабга, кейинроқ шаҳардаги 73, 128-мактабларга директорлик қилди.Кўп ўтмай, Тошкент шаҳрининг Октябрь тумани халқ маорифи бўлимининг мудири этиб тайинланди.

У ўқитувчи ва маориф раҳбари сифатида касбдошларига алоҳида ғамхўрлик ва хайрихоҳлик билан қаради, уларнинг орзу-ҳавасларини, қувонч ва ташвишларини, ўй-мақсадларини чуқур тушунарди.

Халқимизда яхшилик ерда қолмайди, деган ҳикмат бор. Яхши одамни эл тез таниб олади, бошига кўтаради. Тоир Дадашев Октябрь тумани маорифчиларининг раҳбари лавозимига кўтарилганидан уч йил ўтгач, 1962 йилда Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимига мудир этиб тайинланди. Билим ва тажрибасини, бутун куч-қувватини, таълим-тарбия ишларини ривожлантиришга қаратди.

Албатта, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Т. Дадашевнинг иш фаолиятида ҳам баъзи камчилик-нуқсонларга йўл қўйилган бўлиши мумкин. Лекин Тоир аканинг ўзига хос хусусиятларидан бири шунда эдики, у соф ва самимий танқидни, йўл қўйилган камчиликларни очиқ юз билан тан оларди.

Ҳукуматимиз Т. Дадашевнинг хизматларини, ташкилотчилик фаолиятини муносиб тақдирлади. У "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси" нишони, бир неча орден-медаллар, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" юксак унвони билан тақдирланди.Директор ва тарих ўқитувчиси бўлиб ишлаган 128-мактабга кейинчалик унинг номи берилди. Тоир аканинг умр йўлдоши Ақида Дадашева умрининг 30 йилини боғчада тарбиячилик қилишдек хайрли ишга сарфлади.Улар тарбиялаган тўрт қиз ота-она касбини давом эттиришмоқда. Ўғилларидан тўнғичи — Шукрулла Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлимининг мудири, Зикрилла — умумовқатланиш тармоғи ходими, Шуҳрат — иқтисодчи, Шавкат — болалар шифокори...

Ҳар сафар Тоир аканинг фарзандларини, айниқса, ота касбини эъзозлаб келаётган шоир Шукур Дадашни кўрганимда, устознинг ўзини кўргандек бўламан.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ, филология фанлари номзоди.



Ёшлар ижодидан

ТЎРТЛИКЛАР

Сабабсиз келмайди қайғу, аламлар,
Ҳар кимда бўлади беғубор дамлар.
Гўзал қиз, бировнинг туҳфасин олма,
Ўргатар дон ташлаб қушни одамлар.

***

Парилар субҳи дам турсанг-чи, дейди,
Биз билан суҳбатлар қурсанг-чи, дейди.
Умрингдан бир туни қисқарар, шоир,
Янги ижод сари юрсанг-чи, дейди.

***

Мендаги беқарор дил шунга моний,
Ушбу далилимни ҳал қил ижобий,
Уринма, оламга зеб бераман деб,
Дунё бизга эмас, биз унга тобе.

***

Қум бошқа, тош бошқа, олтин бошқадир,
Ер бошқа, ой бошқа, қуёш бошқадир,
Тенглик, инсоф, имон — ҳавойи гаплар,
Тил бошқа, дил бошқа, ҳаёт бошқадир.

***

Билимни жамғариб, бой бўлсанг яхши,
Гўзаллик рамзида ой бўлсанг яхши,
Биров соясида яшашдан кўра,
Тўрт метр кафанга жой бўлсанг яхши.

Келдиёр ХАЁЛИЙ.

ТУЗАТИШ

Газетанинг 1994 йил 8 июнь сонида эълон қилинган ўқув ражаларининг 5-туридаги математика-информатика ихтисослиги бўйича 10 ва 11-синфларда физика фанидан ҳафталик соатлар 6 соат ўрнига 5 соат, 9-туридаги 1-синфлар учун умумий соатлар 21 соат ўрнига 20 соат, 10-туридаги астрономия фани фақат 11-синфда ҳафтасига 1 соат, химия фани 8-синфда 3 соат, 9-синфда 3/2, 10-синфда 2 соат, 11-синфда 3/2 соат, 12-туридаги 7-синфларда Давлат компоненти соатлари 34 соат, умумий соатлар сони эса 38 соат деб ўқилсин.

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ЎЙИНЧОҚЛАР, ХАЙР ЭНДИ...

Пойтахтимиздаги "Паризод" фабрикасига қарашли болалар боғчасида 80 нафар ўғил-қизни мактабга кузатиш тантанаси бўлиб ўтди. Чўғдек безатилган кенг залда столларга оппоқ дастурхонлар солиниб, ота-оналар ва бошқа меҳмонлар таклиф этилди.

Тайёрлов гуруҳи болалари оппоқ либосларда кабутарлармисол саф тортиб, тарбиячи Роза Габитина бошчилигида хайрлашув концертини намойиш қилдилар.

Тантанада болалар шоири Пўлат Мўмин, химия-технология институтининг ректори, химия фанлари доктори, профессор Тўлқин Миркомилов, Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими мудири Шукур Дадашев ва бошқалар иштирок этдилар ва сўзга чиқиб болакайларни табрикладилар. Шоир Пўлат Мўмин шеърларидан ўқиб, топишмоқлар айтди, болалар жавоб топдилар. Профессор Т.Миркомилов химия-технология институти жамсаси мазкур боғчага моддий ёрдам кўрсатиши ҳақида сўзлади.

Болаларнинг азиз боғча опалари, қадрдон боғча ва севимли ўйинчоқлари билан хайрлашув онлари ҳаяжонли кечди.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

Қутлаймиз!

Дадажонимиз Музаффархон ҲАКИМОВ!

Биз бутун умрини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаган Сиздек фидойи инсоннинг зурриётлари бўлганлигимиздан фахрланамиз. Салкам ярим аср мобайнида Сирдарё ҳудудидаги турли мактаблар жамоасига, туман ва вилоят муаллимлари ҳамда тарбиячиларига бош бўлиб, эл-юрт меҳрини қозонганингиздан қувонамиз. Бугун 70 ёшга тўлганингиз муносабати билан самимий қутлаб, бахтимизга ҳамиша омон бўлишингизни Яратгандан тилаб қоламиз.

Эҳтиром билан фарзандларингиз.

Ҳурматли Нурмамат МЕЛИҚУЛОВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Ўқувчиларни рақамларнинг сеҳрли оламидан воқиф этишдек машаққатли меҳнатингизга барака. Ҳамиша соғ бўлинг.

Нуробод туманидаги 50-мактаб жамоаси.

Қадрли Дилшода УМАРОВНА!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз. Педагогик фаолиятингиз бундан кейин ҳам барқ ураверсин.

Эҳтиром билан: Турмуш ўртоғингиз Мухтор, қизингиз Чарос, куёвингиз Маъмур, ўғлингиз Азамат.

Ҳурматли Саёҳат ИБРАГИМОВНА!

Таваллудингизга 50 йил, педагогик фаолиятингизга 30 йил тўлиши муносабати билан қизғин табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахту иқбол тилаймиз.

РЎММ умумий ўрта таълим бўлими ходимлари ҳамда фарзандларингиз.

Азиз аяжонимиз Зулайҳо ТИЛЛАЕВА!

Сизни табаррук 50 ёшга тўлганингиз муносабати билан табриклаймиз. Кейинги ишларингизга улкан зафарлар тилаймиз. Бахтимизга доимо соғ юринг.

Ўғлингиз Қаҳрамон ва келинингиз Нодира.

Азизимиз Абдулла ОРТИҚОВ!

Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Педагогик фаолиятингизда омад ҳамиша ёр бўлсин. Тангри Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ато этсин!

Рафиқангиз Гули, қизларингиз Фарзода, Ифора ва жиянингиз Дониёр.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ Т. Н. ҚОРИ-НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ 1994 ЙИЛГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ВА АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ЎҚИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— педагогика назарияси ва тарихи;
— мактабгача тарбия;
— бошланғич таълим;
— педагогика ва руҳшунослик;
— ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш назарияси ва методикаси;
— физикани ўқитиш назарияси ва методикаси;
— тарихни ўқитиш назарияси ва методикаси;
— кимё биологияни ўқитиш назарияси ва методикаси;
— жўғрофияни ўқитиш назарияси ва методикаси;
— бадиий-мусиқий таълимни ўқитиш назарияси ва методикаси;
— жисмоний тарбияни ўқитиш назарияси ва методикаси;
— рус мактабларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш назарияси ҳамда методикаси;
— рус тили ва адабиётини ўқитиш назарияси ва методикаси.

Аспирантурага кирувчилар ихтисослик фани, фалсафа ва чет тилларнинг биридан олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида кириш имтиҳонларини топширадилар.

Танлов имтиҳонларига ихтисос бўйича камида икки йил амалий иш тажрибасига эга бўлганлар, шунингдек, бевосита олий ўқув юртини битирган ёш мутахассислар фақат олий ўқув юрти (факультет) олимлар кенгаши тавсиясига кўра қўйиладилар.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисида институт директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, илмий мақолалар рўйхати ёки реферат, бевосита олий ўқув юртини битирганидан сўнг аспирантурага тавсия этилган шахслар учун олимлар кенгаши йиғилишининг қайдномасидан кўчирма, диплом нусхаси ва синов қайдномасидан олинган кўчирма, меҳнат дафтарчаси, 2 дона сурат (3х4 ёки 5х6 см ҳажмда), номзодлик имтиҳонлари топширилган бўлса, белгиланган шаклдаги гувоҳнома.

Ҳужжатлар эълон чиққанидан сўнг 30 кун давомида қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй, ЎзПФИТИ, Аспирантура бўлими.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги барча вилоятларда энг яхши ўқув кўргазма қуроли ва ўйинчоқ турлари бўйича танлов ўтказишни тавсия қилади.

Танланган ўқув кўргазма қуроли ва ўйинчоқ турлари ўқув ишлаб чиқариш устахоналари ҳамда кичик корхоналарда ишлаб чиқаришга қўйилади.

Танлов ўтказиш жойи ва вақтини вазирликка ва "Таълим-таъминот" Бош бошқармасига билдиришингизни илтимос қилади. **(Тошкент, 1-Жуковский боши берк кўча, 14-уй. Телефон 67-28-70, 67-92-06).**

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Қурбонбой Матқурбонов, Зубайда Усмонова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—857. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6